

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ОЙБАРЧИН АХАТОВНА

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ
ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on pedagogical sciences**

Махмудова Ойбарчин Ахатовна

Мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш
методикаларини такомиллаштириш.....3

Махмудова Ойбарчин Ахатовна

Совершенствование методики обучения изобразительной деятельности детей
старшего дошкольного возраста.....22

Makhmudova Oybarchin Akhatovna

Improving the methodology of teaching the visual activity of preschool age
children.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....50

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ОЙБАРЧИН АХАТОВНА

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ
ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 202

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1724 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.mdomoi.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамаражабова Зулфия Нарбоевна**
педагогика фанлари доктори, профессор.

Расмий оponentлар: **Бойметов Ботир Болтабоевич**
педагогика фанлари номзоди, профессор.

Гаухар Эркиновна Жанпенсова
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 18 февраль куни соат 14-00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (№20-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил 3 февраль куни тарқатилди.
(2022 йил 3 февралдаги 2-рақамли реестр баённомаси).



Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.С.Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д. (PhD), доцент

Ф.Р.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида замонавий фанларнинг муаммоларидан бири сифатида таълимни мазмунан янги босқичга кўтариш, бунда ҳар бир боланинг ижодий индивидуаллигини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги психологик ва педагогик тадқиқотлар натижасига кўра, мактабгача ёшдаги болаларда ижодий тасвирлашга оид компетенцияларни шакллантириш уларда ижодкорликни ривожлантиришнинг энг самарали воситалардан бири эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. Шунинг учун иқтисодий жиҳатдан тараққий топган, таълим тизими юксалган АҚШ, Япония ва Жанубий Корея, Россия Федерацияси каби мамлакатларда, таълимнинг барча босқич ва бўғинлари, жумладан, мактабгача таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши, бунда бошқа машғулот шакллари қатори эстетик тарбияга, хусусан, тасвирий фаолиятга ўргатишга айрича ёндашилаётгани бежиз эмас.

Дунё мамлакатларида мактабгача таълим педагогикаси ва психологиясининг назарий ва амалий асосидаги педагогик тизимнинг салмоқли компонентларидан бири бўлган тасвирий фаолият методикасининг илмий асосланган ва амалий синовдан ўтган мазмунини, компонентларини, топшириқлар тизимини ва унинг технологик, дидактик таъминоти такомиллаштириш, шунингдек, тасвирий фаолият билан боғлиқ педагогик қараш, ёндашувларни янгилаб, ўқувчиларни таълимнинг кейинги тури – бошланғич синфларда муваффақиятли таълим олишга йўналтириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигидаги мактабгача таълим соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, сўнгги беш йилда мазкур босқичдаги таълим-тарбиянинг ташкилий, мазмуний жиҳатларига дахлдор бўлган фармонлар, қарор ва фармойишларнинг қабул қилиниши том маънодаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди. Зеро, “...мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини яхшилаш”¹ масалалари, ўз навбатида, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб берилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сон қарори.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари,», 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон “Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва методикаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ёш авлодни эстетик тарбиялашдаги миллий санъат ва ҳунармандчиликнинг ўрни, миллий маданиятнинг маънавий ривожланишидаги, билим ва эстетик қизиқишларини шакллантиришдаги ўрни С.Абдуллаев, К.Акилова, Э.Асилхонов, С.Булатов, А.И.Инагамов, А.Сулаймонов, мактабгача таълим болаларининг эстетик ривожланишидаги ўрнини Ф. Қодирова, Ш.Содиқоваларнинг тадқиқотларида очиқ берилган, мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолиятга оид малакаларини ўрганиш тадқиқот ишлари Р.Абдукодиров, Ф.Валихўжаева, Д.Сабилова, У. Ибрагимов, Д.Халимова, Т.Чабровалар томонидан олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тадқиқотчилари томонидан мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий фаолиятнинг эстетик тарбиядаги ўрни ва хусусиятлари В. Н Андросова, М. Байрамбеков, Н.Бойченко, Л.АБлащук, тасвирий фаолиятга оид малакаларни шакллантиришнинг методик асосларини Л. М. Айвазян, Н. А. Вершинина, Т. Н. Доронова, Т. Г Казакова, Р. Г. Казакова, Р.В Калистру, Н.Г.Какауридзе,Т.С Комарова, А.А Мелик-Пашаев, В.С.Мухина, Р.Н.Наурызбаева, И.А Лыкова, Н. Сакулина, К. С Сейдекулова, Н. Б. Халезова, Е.А Флёринлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик тадқиқотчилар G.Lindsay, A.Cameron, J.Smythлар мактабгача ёшдаги болаларга тасвирий санъат қоидаларини ўргатишда осонлаштирадиган ўқув дастурларни қўллаш муҳимлигини, унда болалар жисмоний ва ижодий ривожланишини шакллантириш учун энг юқори салоҳиятини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий-тадқиқот ишларини ва методик адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари мактабгача катта ёшдаги болалар тасвирий фаолият методикасини такомиллаштириш бўйича таҳлиллар етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Мавжудлари эса, XX асрнинг 1950–1990 йилларига тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу муаммо янги тадқиқотларни тақозо қилиши билан ўзининг долзарблигини намоён қилади.

Юқоридаги келтирилган асослар биз танлаган тадқиқот мавзусини ўрганиш, уни тадқиқ этиш заруратини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди ва Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2014/338-454 «Ўзбекистонда имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилди. (2014-2016).

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасини такомиллаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасини дидактик ва методик таъминот хусусиятларини ёритиш, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчи олимларнинг илмий қарашлари, уларнинг мавзуга бўлган ёндашувларини ҳамда ғояларини умумлаштириш;

мактабгача катта ёшдаги болалар тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасининг педагогик асосларини такомиллаштириш;

мактабгача катта ёшдаги болалар тасвирий кўникмаларни ривожланганлик даражасини “6 та доира”, “Уйчани охиригача чиз”, “Одам юзининг иккинчи ярмини чиз”, “Қизча юзини чиз”, “Кўзача яса”, “Одам шаклини яса”, “Машина яса” методикалар асосида тасвирий фаолиятдаги дифференциялар, бадиий образнинг мотивация функцияларини ривожланганлик даражаларини педагогик тажриба-синов ишларида ўрганиш, таклиф этилган тавсияларнинг самарадорлигини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолият жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд, Сирдарё вилоятлари, Наманган ва Тошкент шаҳарларидан мактабгача таълим ташкилотларининг 363 нафар катта ёш гуруҳидаги тарбияланувчилар ҳамда 140 нафар респондент тарбиячилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача таълим тизимида тасвирий фаолият методикасини такомиллаштиришда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг расм чизиш ва пластик материаллар билан ишлаш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакли, методи ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (тарихий-қиёсий, таҳлилий-статистик таҳлил), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, тарбияланувчилар тасвирий фаолиятини таҳлил қилиш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тасвирий фаолиятга ўргатишда илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган талаблар ва “Санъат” марказидаги таълимий фаолият мактабгача катта ёшдаги болаларнинг келажакдаги иш концепциясини аниқлаш қобилияти, тасвирий ва экспрессив воситалар, техник характердаги кўникмалар “қўлда ишлаш маҳорати”, ўзининг таассуротларини ифода этадиган (Art coaching) мажмуавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишни таъминлайдиган омиллар (мотивацион-мақсадли, лойихалаштирувчи ҳамда ташхислаш) орқали таълим субъектларига қаратилган “субъект–педагогик тасвирий муҳит–субъект” мантиғи каби элементлари аниқлаштирилиб, “Илк қадам” ўқув дастури асосидаги таълимий тасвирий фаолиятнинг педагогик модели ишлаб чиқилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган расм чизишга ўргатиш, лой, пластилин ҳамда инновацион чинни хамир билан ишлаш методлари (буюмларнинг ҳажми, шакли, тузилиши ва нисбати билан танишишда қўл ҳаракати ва кўзнинг аниқлигини ривожлантирувчи, конструктив қобилиятини шакллантирувчи) асосида болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

тарбияланувчиларнинг расм чизиш, лой, пластилин, чинни хамир билан ишлаш тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиришда “6 та доира”, “Уйчани охиригача чиз”, “Одам юзининг иккинчи ярмини чиз”, “Қизча юзини чиз”, “Кўзача яса”, “Одам шаклини яса”, “Машина яса” каби методикаларни жорий этиш орқали мактабгача катта ёшдаги болаларнинг тасвирий имкониятларининг шаклланганлик даражаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача катта ёшдаги болага келажакдаги иш концепциясини аниқлаш қобилияти шакллантириш, тасвирий ва экспрессив воситаларни қўллаш; техник характердаги кўникмалар – “қўлда ишлаш маҳорати”, ўзининг таассуротларини ифода этиш билан боғлиқ методикалар такомиллаштирилган;

тасвирий фаолият методикаси тушунчасининг педагогик таърифи таклиф этилган;

мактабгача таълимда тасвирий фаолият ривожланиш марказидаги: мавжуд пластик материаллар лой, пластилин билан ишлаш методикасини такомиллаштириш билан бир қаторда чинни хамирнинг методикаси ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим мутахассислари учун мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасининг мазмуни, шакли, методи ва воситалари такомиллаштирилди ҳамда QR-код манбали электрон дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг

математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълим педагогикаси ва психологиясининг назарий тизимидаги салмоқли компонентларидан бири– тасвирий фаолият соҳаси бўйича такомиллаштирилган методикани мактабгача катта ёшдаги болалар фаолиятида осон ўзлаштириш имкониятларини таъминлайдиган илмий-назарий асосланган педагогик модел ҳамда тадқиқот натижаларга таянилган таклиф ва тавсиялар фойдаланиш учун ҳавола этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижаларининг аҳамияти тадқиқот иши жараёнида мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда машғулотларнинг кўргазмалилик ва мультимедиа воситалари асосига таянилганлиги, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган QR-код манбали электрон дастурий таъминоти орқали педагог-тарбиячиларнинг амалий фаолиятини ташкил этишдаги касбий маҳорати ва компетентлиги бойитилиши ҳамда ундан бўлажак педагогларни тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасини такомиллаштириш натижалари:

мактабгача катта ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатиш, лой, пластилин билан ишлаш, чинни хамир билан ишлаш, илмий-методик тавсиялар мактабгача ёшдаги болаларга тасвирий фаолият методикасини ўргатишда “Мактабгача таълим тизимида пластик материаллар билан ишлаш технологиялари” (“NISO POLIGRAF”, –Тошкент: 2019 –120 б.), “Мактабгача таълим ёшидаги болаларни расм чизишга ўргатиш методикаси” (“NISO POLIGRAF”, –Тошкент: 2019–152 бет.) номли ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди. Мазкур тавсиялар Самарқанд, Гулистон, Наманган, Тошкент шаҳарлари ҳамда Самарқанд вилояти Пайшанба шаҳарчасидаги мактабгача таълим ташкилотлари амалиётига жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 02-02/2-608-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача катта ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолият методикасини қўллаш таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган;

тасвирий фаолиятга ўргатишда илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва “Илк қадам” Давлат ўқув дастурига асосланган “Санъат” марказидаги таълимий фаолияти (Art coaching), мажмуавий ёндашувлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ/1-қ-қ қарори билан тасдиқланган, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1-сон йиғилишида маъқулланган Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини

касбий қайта тайёрлаш йўналиши учун “Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси” курсининг 3.5-модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар ХТХҚТМОҲМнинг 2021 йил 26 ноябрдаги 01-01/02-6-189-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий фаолиятнинг назарий асослари, амалий компетенция маҳоратига эга педагог-тарбиячилар тайёрланган;

катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишнинг элементлари аниқлаштирилиб, тасвирий фаолият методикасини такомиллаштиришнинг педагогик модели ишлаб чиқилган ва 2020 йил 17 апрель санасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ташкил этилиб ZO’R TV телеканалида “Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга оилада ўргатиш” ҳамда 24 апрель санасида “Мактабгача ёшдаги болаларни аппликацияга ўргатиш” мавзуларида теледарслар олиб борилди (Олий таълим вазирлиги Низомий номидаги ТДПУнинг 2021-йил 29 ноябрь 306-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим соҳа талабалари ва аҳолининг тафаккурида мактабгача ёшдаги тасвирий фаолиятнинг ўрни тўғрисидаги маълумотлар муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 2 та ўқув қўлланма чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 2 та хорижий, 6 та халқаро, 11та республика журналларида нашр қилинди, ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида 1 та гувоҳнома, муаллифлик ҳуқуқи объектларини депонентлаш тўғрисидаги 1 та гувоҳнома олинди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши: диссертация кириш, 3 та боб, 8 та параграф, умумий хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Умумий ҳажми 209 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва методикаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишнинг илмий-назарий асослари, тасвирий фаолиятидаги методикаларни такомиллаштиришнинг

педагогик омиллари, мактабгача катта ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш жараёнининг педагогик-методик хусусиятлари ҳамда уларнинг таҳлиллари баён қилинган.

Таълим-тарбия соҳасининг билан боғлиқ жиҳатлар тўхтовсиз такомиллашиб бориши ҳамда яратилаётган шароитлар туфайли янги имкониятларнинг юзага келиши мактабгача тизимда ҳам таълим сифат ва самарадорлигини ошириш вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш имкониятини юзага чиқариб, ўқитиш усуллари таркиби, шакл ва мазмуни муттасил янгилаб туришни тақозо этмоқда. Бу ижтимоий-таълимий зарурият барча даврларда баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

Илмий, психологик-педагогик адабиётлар таҳлили мактабгача таълим тарбиясидаги тасвирий фаолиятнинг илмий, назарий асосларига асрлар давомида аҳамият берилганлигини кўрсатади. Жумладан, италиялик буюк рассом Leonardo di ser Piero da Vinci, Albrecht Dürer, Dupuy Paul Miche, Anton Ažbe, чехиялик профессор Frans Chizhek, инглиз психологи James Sully, италиялик санъатшунос Ricci Corrado, академик В.М.Бехтерев, П.П. Чистяков ва кўплаб олимларнинг фаолияти тасвирий санъатни ўқитиш методикаси ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Тадқиқот муаммосига оид замонавий адабиётлар таҳлил этилиб, XX асрда мазкур соҳанинг жадал ривожланиши, мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий саводхонлик асосларини Е.А.Флёрина, Н.П.Сакулина, Н.А.Вершинина, Т.С.Комарова, В.Б.Косминская, Р.Абдукодиров, Ф.Валихўжаева Д.Сабирова, У. Ибрагимов, Д.Халимова, Т.Чаброва, G.Lindsay, A.Cameron, J.Smyth каби маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари таҳлилга тортилган. Мазкур тадқиқотлардаги мактабгача тасвирий фаолият назария ва методологиясини ривожлантириш юзасидан илмий қарашлар, мавзуга ёндашувлардаги ўзига хосликлар ҳамда илгари сурилган ғоялар умумлаштирилди. Жумладан, Чехияда “Чижекнинг методи”, Россия давлатида Е.А.Флёрина, Н.П.Сакулиналарнинг тасвирий фаолият методикасининг энг кучли ва кенг қамровли илмий мактаблари, Ўзбекистонда Д. Сабированинг тасвирий саводхонлик даражасини аниқлаш мезонлари, АҚШда “Teaching children art” методикаси, Япония педгогикасининг бадиий таълим соҳасидаги 「熟考のレッスン」 “Jukukō no ressun” - “Ўйламоқ дарслари” жорий этилиб, машғулотларда муваффақиятни таъминловчи касбий методлари ўрганилди. Мазкур олимларнинг илмий-тадқиқотлари мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда у ёки бу муаммоларнинг ечимига қаратилган. Бироқ, тасвирий фаолиятнинг методикаларини такомиллаштириш масаласи замонавий олимлар томонидан тадқиқ этилмаган.

Мамлакатдаги таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланиши боис қўйилган муаммо Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълимга оид ҳуқуқий-меъёрий асосларидан келиб чиқиб ўрганилди. “Илк қадам” давлат ўқув дастурининг тузилиши ва мазмуни таҳлилидан аёнки, кичик гуруҳдан бошлаб тайёрлов гуруҳигача энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган гуруҳларда ўтказиладиган машғулотларнинг тахминий миқдори тасвирий фаолиятнинг турлари бўйича – расм чизишга 2 соат, аппликацияга 0,5 соат, қуриш-ясаш ёки конструкциялар тузиш ва қўл меҳнатига – 0,5 соат ва лой ишига 1 соат, қўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади. Ҳафталик

юклама 12 соатни ташкил этилишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолиятга тааллуқли барча турларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бу кўрсаткич жаҳон мактабгача таълим стандартларига мос келади. Лекин “Илк қадам” давлат дастурига илова қилинган ҳафталик мавзувий режалаштиришда белгиланган мазкур соатлар бўйича тақсимот қилинмагани кузатилади.

Тасвирий фаолият таълим жараёнининг мавзувий режалаштириш таҳлили натижалари берилган қиёсий жадвалдаги маълумотлар замонавий мактабгача таълим-тарбиянинг илмий концепциясини ўзида акс эттирган мазкур кундалик амалий характердаги ҳужжатни илмий асосланган тавсиялар билан бойитиш заруратини ўртага қўйди ва биз изланишларимиз натижаларидан келиб чиқиб буни амалга оширдик.

Илмий-назарий қарашлар ва мактабгача тасвирий фаолиятга ўргатиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари натижасида биз **мактабгача таълимда тасвирий фаолият** тушунчасига қуйидаги таърифларни таклиф қилдик: **тарбиячи фаолиятига кўра** мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш – бу тарбиячининг педагогик фаолиятида қўллайдиган услублар мажмуаси ва воситалар ёрдамида тарбияланувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ҳамда фаолият маҳсули сифатида уларда шахсий сифатларни шакллантириш жараёнидир. Бевосита **фаолият натижасига кўра** мактабгача таълимда тасвирий фаолият – бу меҳнат қуроллари (қайчи, қоғоз, стек, чизғич ва ҳ.к.) билан меҳнат объектлари (пластилин, чинни хамир, қаламлар, бўёқлар, мойқаламлар)га босқичма-босқич таъсир этиши натижасида маҳсулот яратиш (расм, аппликация, лой иши, қўл меҳнати намуналари) борасидаги тарбияланувчи ҳамда тарбиячининг меҳнат маҳсулидир. **Методик ёндашувга кўра** мактабгача таълимда тасвирий фаолият – бу турли хил методлар мажмуаси бўлиб, у бирор-бир конкрет маҳсулотни ясашга, чизишга йўналтирилган жараёндир.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ташкилотларида тасвирий фаолият методикасини такомиллаштириш мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида тасвирий фаолият методикасини такомиллаштириш мазмуни ва модели, мактабгача катта ёшдаги болаларни пластик материаллар билан ишлашга ва расм чизишга ўргатиш методикаларини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг илмий асосланган ечимлари ёритилган.


Мактабгача ёшдаги болалик даврида туғилгандан олти ёки етти ёшгача бола ҳис қилган нарсаларини аниқ ва равшан ифода эта оладиган нутқи у қадар ривожланган эмаслиги билан таснифланади. Олима Ф.Р Қодирова, Р.М Қодировалар² дастлабки ёш босқичларида бола нутқининг ривожланишига ва ушбу даврда бола мияси жадал суръатда ўсиб боришига эътибор бериш кераклигига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлашган. Шунингдек, физиологларнинг таъкидлашича, марказий асаб тизими вазифаларини айнан уларнинг табиий шаклланиш даврида осонгина машқ қилдириш мумкин. Машқларсиз ушбу вазифаларнинг ривожланиши секинлашади ва хатто умуман тўхтаб ҳам қолиши мумкин. Айнан расм чизиш воситасида бола томонидан

² Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. Т.: “Истиклол”, 2006 й. –276 бет.

сўзсиз ўзини намоён қилиш, тушуниш ва тушунтириш қийин бўлган тажрибалар ҳақидаги ўз ҳолатини тўғридан-тўғри узатиш орқали болалар ижодиётининг оммабоплиги билан қадрли воситадир.

Тасвирий фаолиятни ўқитишнинг муҳим вазифаларидан бири турли материаллар билан ишлашда техник усулларни ўзлаштиришдир. Буюмнинг шакли, унинг тузилиши, ранги, шаклга нақш яратиш қобилияти боладан тасвирий маҳорат талаб қилади.

Мақтабгача таълимда тасвирий фаолият ривожланиш марказидаги: мавжуд пластик материаллар лой, пластилин билан бир қаторда полимер лой ёки чинни хамир афзалликлари ҳамда унинг методикаси ишлаб чиқилган.



1-расм. Пластик материаллар билан ишлаш афзалликлари.


Мақтабгача катта ёшдаги болалар кўникмаларни эгаллашлари лозимлиги белгиланди:

келажакдаги иш концепцияни аниқлаш (мақсадни белгилаш);

тасвирий ва экспресив воситалар қўллай олиш (оддий шаклларни яратиш, буюмлар шаклини етказиш, композиция қуриш, тасвирийнинг ранг схемасини танлаш, ритм, симметрия, чизиқ ва бошқалар);

техник характердаги “қўлда ишлаш маҳорати”ни эгаллаш (асбобга эгаллик: мўйқалам, қалам, қайчи; қўлларни мувофиқлаштириш, штрихлаш жараёнида қўлнинг босими ва амплитудасини ўзгартириш; пластик материалларини қайта ишлаш усулларини ўзлаштириш ва бошқалар);

ўзининг таассуротларини ифода этадиган, мураккаб излаш учун асос бўладиган турли хил техникалар, расм ва услубларни яратиш.



2-расм. Мактабгача катта ёшдаги боланинг тасвирий фаолиятда эгаллаши лозим бўлган томонлар.

Тўғри йўлга қўйилган таълим ва тарбия ишлари орқали мактабгача катта ёшдаги болада предметнинг асосий хусусиятлари, уларнинг характерли шаклларини кузатиб бориш қобилияти ривожланади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тасвирий фаолиятга ўргатиш жараёнининг педагогик моделида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг расм чизиш ва пластик материаллар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштирадиган ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган, мақсадга йўналтирилган педагогик қўллаб-қувватлаш элементларининг бутун мажмуаси ўз аксини топган. Унда жараённинг босқичлари, субъектлар фаолияти, меҳнат қуролилари, воситалари, қўлландиган методлар, мезон, даражалар ва натижалар ўз ифодасини топган.



3-расм. Тасвирий фаолият кўникмаларини такомиллаштиришнинг педагогик модели.

Педагогик моделнинг асосий элементи – бу мактабгача катта ёшдаги болаларнинг расм чизиш ва пластик материаллар билан ишлаш методикаларини такомиллаштириш, шунингдек, ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган педагогик шартлари бўлган ривожлантирувчи таълим доирасида педагоглар фаолиятини ташкил этиш, болалар ва тарбиячиларни ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтириш, болалар ижодини ривожлантиришга ёрдам берадиган усуллар ва таълим шаклларидан фойдаланиш мақсадлари кўйилган. Ушбу моделда баҳоловчи-квалиметрия компоненти мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражалари ва мезонлари ҳисобланади. Ишлаб чиқилган тасвирий фаолият методикаларини такомиллаштириш модели уч босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини самарали шакллантириш вазифасини ўтайди, булар мотивацион-мақсадли босқич, жараёни ташкил этиш, ташхислаш босқичларида тадқиқот ўтказилди.

Белгиланган тамойиллар асосида мақсадни ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

тасвирий фаолиятда тажриба, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда бунинг учун педагогик тасвирий муҳитни яратиш ва қулай жойни ташкил этиш;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг керакли натижаларни олишларида зарур бўлган шахсий фазилатларини шакллантириш учун шароит яратиш;

тасвирий фаолият жараёнининг мақсадлари, мазмуни, турларига мос методларни қўллаш;

ижодий фаолият сифатини ривожлантириш бўйича ишларни шакллантириш.

Диссертациянинг Мактабгача таълим ташкилотларида тасвирий фаолият методикасини такомиллаштиришнинг самарадорлиги деб номланган учинчи бобда мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни тасвирий фаолиятга ўргатиш юзасидан илмий изланишлар самарадорлиги, бу борада олиб борилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ҳамда олинган натижаларнинг статистик таҳлили келтирилган.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий фаолият кўникмаларининг шаклланганлик даражалари қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланди: чизилган чизиқларнинг ва ясалган ҳайкалчаларнинг тўғрилиги, бармоқлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ифодаси; расм ва ҳайкалчаларнинг мураккаблиги; тасвирланган объект билан ўхшашлиги; тасвирлашда, ясашида аниқлик; сўзлаб берилган воқеани тасвирлашда аниқлик; бола томонидан ўзи белгилаган ёки бошқалар унга берган маълум бир мавзуни ишлаб чиқишдаги тўлиқлик даражаси; объектнинг индивидуал қисмлари ўртасидаги муносабатлар ифодасида болалар расмида ижодкорликнинг муайян қирралари намоён бўлиши; унинг қисмлари тасвиридаги озми-кўпми безак берилгани; чизиш, яшаш учун ўз ҳаракатларини режалаштириш кўникмаларига эга бўлиши; эслаб қолиб чизиш, яшаш кўникмаларининг шаклланганлиги; бадиий-эстетик диднинг таркиб топганлиги; ўқув фаолиятининг дастлабки усуллари таркиб топганлиги; ўзларига берилган топшириқларни мустақил бажара

олишлари; машғулотда ва ундан ташқарида тарбиячи ёки гуруҳдошлари билан жамоавий ишларда фаоллик кўрсата олишлари.


Тажриба-тадқиқот доирасида мактабгача катта ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатиш, уларда пластик материаллар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган методлардан кенг фойдаланилди. Т.С.Комарованинг “Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолият ижодкорлигининг ривожланиш кўрсаткичлари”, Д.Сабиорованинг “Болаларда тасвирий саводхонлик элементларининг шаклланганлик даражасини белгилаш мезонлари” комбинациясига асосланган ҳолда диагностика ишлаб чиқилди.

Педагогик тажриба-синовлар ишлари Самарқанд шаҳридаги 27-, 127-сон МТТлар, Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси 1-, 17-сон МТТлар, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри 9-, 19-сон ҳамда “Қувонч” МТТлари, Наманган шаҳри 41-сон ва Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги 584-сон давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги тасвирий фаолиятга ўргатиш машғулотларида олиб борилди. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари Стъудент-Фишер, Пирсон мезонлари асосида математик статистик таҳлил қилинди.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг расм чизиш ва пластик материаллар билан ишлаш методик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларининг қиёсий таҳлили фоизда қуйидаги жадвал (4-жадвал) ва диаграммаларда ўз аксини топган:

4-жадвал


Расм чизиш методикалари				
Даражалар	Тажриба-синов гуруҳида		Назорат гуруҳида	
	181		182	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	10%	24%	9%	16%
Ўрта	25%	46%	18%	40%
Паст	65%	30%	73%	44%
Пластик материаллар билан ишлаш методикалари				
Даражалар	тажриба-синов гуруҳида		назорат гуруҳида	
	181		182	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	10%	22%	8%	15%
Ўрта	24%	43%	23%	37%
Паст	66%	35%	70%	48%



5-расм. Расм чизиш методикалари бўйича натижалар диаграммаси.
5-жадвал

**Тажриба натижалари (шакллантирувчи тажриба)
мактабгача катта ёшдаги болаларда расм чизиш, пластик материаллар
билан ишлаш методикаларининг ривожлаганлик бўйича тажриба
синовларнинг умумий натижалари**

Методикалар номи	Тажриба-синов гуруҳида (181)			Назорат гуруҳи (182)		
	Тажриба охирида					
	Юқори (5)	Ўрта (4)	Паст (3)	Юқори (5)	Ўрта (4)	Паст (3)
Расм чизиш методикалари						
6 доира методи	48	81	52	36	69	77
“Уйчани охиригача чиз” методи.	39	80	62	25	72	85
“Одам юзининг иккинчи ярмини чиз”	45	93	43	31	82	69
“Қизча юзини чиз” методи	42	77	62	28	67	87
жами (ўртача қиймат)	43	83	55	30	72	80
Пластик материаллар билан ишлаш методикалари						
“Кўзача яса”	41	75	65	25	73	84
“Одам шаклини яса”	29	85	67	22	69	91
“Машина яса”	48	75	58	33	62	87
жами (ўртача қиймат)	39	78	64	27	68	87



6-расм. Пластик материаллар билан ишлаш методикалари бўйича натижалар диаграммаси

6-жадвал.

Якуний натижаларнинг таҳлили

T/p	Объектлар	Гуруҳлар	Сони	$T_{кузатуе}(\chi^2)$	$T_{кр}$	Ўртача қиймат	Самардорлик коэффициенти	Ўзлаштириш самардорлиги	Критерий хулосаси
1	6 доира методи	ТГ	181	7,52	5,991	3,98	1,05	14%	H_1
		НГ	182			3,77			
2	“Уйчани охиригача чиз” методи.	ТГ	181	7,08	5,991	3,87	1,05	12%	H_1
		НГ	182			3,67			
3	“Одам юзини иккинчи ярмини чиз”	ТГ	181	9,3	5,991	4,01	1,06	14%	H_1
		НГ	182			3,79			
4	“Қизча юзини чиз” методи	ТГ	181	7,69	5,991	3,89	1,06	14%	H_1
		НГ	182			3,68			
5	“Кўзача яса”	ТГ	181	6,32	5,991	3,87	1,05	10%	H_1
		НГ	182			3,68			
6	“Одам шаклини яса”	ТГ	181	6,27	5,991	3,79	1,04	13%	H_1
		НГ	182			3,62			
7	“Машина яса”	ТГ	181	9,8	5,991	3,94	1,07	16%	H_1
		НГ	182			3,7			

Ушбу статистик ҳисоб жадвалига кўра, барча объектларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари бир-биридан фарқли бўлиб, тажрибада олиб борилган статистик қиймат критик қийматдан T катта бўлгани учун ($T_{кузатуе} > T_{кр}$) олиб борилган тажриба-синов ишлари самарали эканлиги исботланади.

Юқоридаги жадваллардаги мактабгача таълим ташкилотларида олинган натижалар бўйича қўйидаги диаграмма ҳосил қилинади.



5-расм. Ўзлаштириш самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш диаграммаси.

Олинган натижалардан самарадорлигини ўзлаштириш кўрсаткичлари ва статистик ҳисоб натижаларига кўра, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги аниқланди. Бундан мактабгача катта ёшдаги болаларда расм чизиш, пластик материаллар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ўртача 13% га ошганлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСА

